



# MILLIY TIKLANISH

7 (7) (41-46) 11 декабрь, пайшанба 2008 йил • Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси



Муқаддас даргоҳ

2-бет



Буюк келажак гарови

соғлом авлодни тарбиялаш- дир, дейди Пайариқ туман Нариман шаҳридаги тиббиёт коллежи директори Шавкат Мўминов

4-бет



Ўзга сайёрада ҳам сув борми?

7-бет



Яхшилар ичида энг ЯХШИ

8-бет

MT

БУГУНГИ СОНДА:

ПАРТИЯ ҲАЁТИ ВА ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ 2-бет

Касбга садоқат

Ўз имкониятларимиздан етарли фойдаланаяпмизми?

Мулоқот самарали ўтди

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ 3-бет

Бағрикенглик тамойилининг амалдаги ифодаси

Олий мақсад сари

ИСЛОҲОТ 4-бет

Раунет хизмати турлари кенгаймоқда

Эл саломатлиги йўлида

МАЪНАВИЯТ 5-бет

Тил билган эл билади

Инсон қалби ва онги энг олий қадрият

ЖАРАЁН 6-бет

Миллий кино: кенг имконият, самарали фаолият

Молиявий барқарорликни таъминлаш йўлида

ЎЗБЕКISTON ВА ЖАҲОН 7-бет

Ҳаёт "шериги"

Дунёдан дараклар

СПОРТ 8-бет

Тадбир аънамага айланади

Турфа олам



Қишлоққа саноат кириб келди

## МУНОСАБАТ

### Қишлоқ тараққиётининг янги босқичи

Кириб келаётган 2009 йилга "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб ном берилишидан асосий мақсад халқимиз аҳолисининг 50 фоизга яқини истиқомат қилаётган қишлоқларимизда олиб борилаётган ислохотларни янги босқичга кўтаришдир

Исमत ХУДОЁРОВ,  
"Milliy tiklanish" мухбири

Гап аънамага айланиб улгурган янги йилга ном бериш ҳақида борар экан, аввало шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Президентимиз Ислам Каримовнинг бу ташаббуси мамлакатимизда кенг миқёсда ишларни амалга оширишга ҳар томонлама асос бўлмоқда. Кўп узоққа бормаёлик, биргина жорий 2008 — «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун жами 1 триллион 248 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Бу мазкур жараённинг фақат моддий томони. Унинг ёшларимиз, қолаверса фуқароларимиз онг ва тафаккурига таъсири, маънавий ва маърифий омил ва фойдаларини эса ҳеч қандай моддий восита билан қиёслаб бўлмайди.

(Давоми 3-бетда)

## НИГОҲ

### Олий мақсад сари

Мунираҳон КОРИЕВА,  
ЎЗМТДП фракцияси аъзоси

Мамлакатда озод ва обод Ватан қуриш, мамлакатни модернизациялаш, фуқаролик жамияти қуришга доир ислохотлар тобора чуқурлашиб бормоқда. Мустақиллик йилларини босқичма-босқич, барқарор ва изчиллик билан ривожланиш даври сифатида ифодалаш русумга кирди. Мамлакат иқтисодий салоҳиятининг ошиб бориши, фуқаролик жамияти қуриш ислохотларининг натижалари Президент Ислам Каримовнинг 2008 йил 5 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида батафсил равишда атрофлича таҳлил этилди. Маърузанинг "Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш — бизнинг олий мақсадимиз", деб номланиши ҳам бежиз эмас. Зеро, босқичма-босқич ва барқарор ривожланиш ислохотларни амалга оширишнинг "Ўзбек модели"нинг энг асосий тамойилларидан бирига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мамлакатда амалга ошираётган давлат ва жамият қурилишига доир ислохотларни чуқурлаштиришдаги, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашдаги ўрни Юртбошимизнинг қуйидаги фикрларида тўлиқ ўзининг ифодасини топди: "Конституциямиз юртимизда демократик давлат қуриш, эркин бозор иқтисодиётини шакллантириш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланадиган фуқаролик жамиятини барпо этиш бўйича энг муҳим тамойиллар, қоида ва меъёрларни ўзида мужассамлаштириб, жамиятимиз ҳаётининг асосий ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда... Бугун, вақт ўтиши билан, ҳаётнинг ўзи, мамлакатимиз эришаётган юксак марралар Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган, халқимизнинг орзу-умидлари, бугунги ва келажак манфаатларига жавоб берадиган қоида ва принципларнинг нақадар тўғри эканини исботламоқда, десам, ўйлайманки, бу фикрга сизлар ҳам қўшиласиз. Ўтган давр мобайнида халқимизнинг азму шижоати, фидокорона меҳнати билан кўламини ва чуқурлигига кўра гоёта улкан ютуқлар кўлга киритилди".

(Давоми 3-бетда)

## РАМЗЛАРИМИЗ

### Давлат мадҳиясига бағишланди

Х.САЛИМОВ,  
ЎЗА мухбири

Пойтахтимиздаги Марказий офицерлар уйида Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинган кунга бағишланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

«Давлат мадҳияси — Ватан ва халқ тимсоли» мавзусидаги анжуманда Республика маънавий тарғибот маркази раҳбари М.Ҳожиматов, Ўзбекистон бас-такорлар уюшмаси раиси Р.Абдуллаев ва бошқалар Давлат мадҳиясида халқимизнинг орзу-умидлари ўз ифодасини топган

ни алоҳида таъкидладилар.

Аждодларимиз шон-шухрати, халқимизнинг ақл-заковати ва бунёдкорлик салоҳияти, юртимиз истиқболи акс этган давлатимиз мадҳияси жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. У фуқароларни, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол гоёларига садоқат, келажакка ишонч руҳида тарбиялашга хизмат қилиб, барчамизга маънавий куч бағишлаётир.

Ҳарбийлар, шоир ва адабиётшунослар иштираётган мазкур тадбирда давлат суверенитетининг рамзи бўлиш мадҳиянинг яратилиш тарихи, жамият ҳаёти



да туган ўрни хусусида сўз юритилди. «Давлат рамзлари» ҳужжатли фильми намойиш этилди. Тадбирда Куролли Кучлар

марказий ашула ва ракс ансамбли хонандаларининг Ватани мадҳ этувчи куй-қўшиқлари янгради.

## ИЗҲОР

### Ўзбек қишлоғининг янги уфқлари

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 16 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган тантанали йиғилишда давлатимиз раҳбари Ислам Каримов кириб келаётган 2009 йилни "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги" йили деб эълон қилганликлари барча юртдошларимиз қатори "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоларини ҳам тўлқинлантириб юборди ва бу борадаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Фарход АТАХОНОВ,  
ЎЗМТДП Андижон вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" етакчиси:

— Ҳар йили мухташам Туркистон саройида бўлиб ўтайдиган Бош Қомусимиз қабул қилинган кунни нишонлаш маросимида Президентимиз томонидан кириб келаётган

янги йилга ном берилади.

Бу аънана халқимиз томонидан қизгин кутиб олиншида ҳам ҳикмат бор. Сабаби Президентимиз маърузасида янги йил дастурининг маъно-мазмунини, асосий мақсадлари очиб берилар экан, ўтган йил сарҳисоби ҳам ўша минбардан туриб, халқимизга тақдим этилади. Бутун мамлакатимизни қамраб олиб, том маънодаги умуммиллий ҳаракатга айланаётган йил дастурига бажарилиши ҳар биримизнинг кўз ўнгимизда, бевосита иштирокимизда амалга ошаётганлигини яна бир бор тинглаб қалбимизда гурур ва ифтихор туямиз.

Бундан бир йил муқаддам мазкур 2008 йилни "Ёшлар йили" деб эълон қилиниши ёшлар қалбини чекизи қувончга тўлдирган эди. Маърузада гувоҳи бўлганимиздек, шу қисқа фурсат бир йил ичида "Ёшлар йили" Давлат дастури доирасида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун барча манбалар ҳисобидан 1 триллион 248 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

(Давоми 2-бетда)

2009 йил учун «Milliy tiklanish»га обуна бўлинг!

Обуна «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва «Матбуот тарқатувчи» АКнинг барча бўлимларида қабул қилинади!













